

ИНГЛИЗ ТИЛИ НАЗАРИЙ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Ректор

Г. Рахимов

2019 йил “22” 05

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2019 йил “20” 07

Руйхатга олинди: №БД-5112200-3.03

2019 йил “20” 07

ИНГЛИЗ ТИЛИ НАЗАРИЙ

АСПЕКТЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	–	Гуманитар
Таълим соҳаси:	110000	–	Педагогика
Таълим йўналиши:	5112200	–	Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)

Тошкент – 2019

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2019 йил “5” июлдаги 3 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил “20” июлдаги 654-сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Қ. Джаббарова – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили назарий аспекти №1” кафедраси мудири.

Такризчилар:

А. Юлдашев – ЎзДЖТУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ш. Юсупова – ЎзМУ, “Инглиз филологияси” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил “22” майдаги “5”-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ўрганилаётган тил назарий аспекти фани “Назарий фонетика”, “Назарий грамматика”, “Лексикология”, “Ўрганилаётган тил тарихи”, “Стилистика” назарий курсларини ўз ичига олади. Ўрганилаётган тил назарий аспекти тилнинг фонетик жиҳатлари, тилнинг грамматик структураси (тузилиши), тилнинг луғат таркиби, тил бирликларининг семантик хусусиятлари, фразеологик бирикмалари, сўз яшаш усуллари, тил луғат таркибининг этимологияси, луғатшунослик, тил бирликларининг шаклланиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари тил вариантлари, шеваларининг функционал жиҳатлари ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб, ўрганилаётган тилдаги сўзларнинг тарихи, маъно ўзгариши турлари хусусиятлари ва тиллар тарихи даврлари ҳамда тил тараққиётининг қонуниятларини ёритиб беради.

“Ўрганилаётган тил назарий аспекти” фани ихтисослик фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, босқичма босқич 3,4-курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. “Ўрганилаётган тил назарий аспекти” фани турли мулоқот турлари, жумладан, одатий, лисоний, бадиий ва илмий мулоқотни ўрганиш билан бир қаторда, иш муносабатлари (бизнес, маркетинг, менежмент соҳалари) да ҳам мулоқот малакаларига эга бўлишда ва тил моҳиятининг назарий асосларини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларни тил тўғрисидаги асосий назарий тушунчалар, чет тилини ўрганишнинг услуб ва ёндашувлари, тилнинг илмий билимлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти билан таништириш, уларга тил сатҳларининг нутқий мулоқот жараёнида кузатиладиган асосий қонуниятларини ўргатиш ва жонли мулоқотда эгаллаган кўникмаларини тўғри қўллашга ўргатишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларнинг табиий тил моҳиятига оид билимларни эгаллашларига имконият яратади, уларда тилнинг ички тузилмаси, тил қатламлари ва бирликларини илмий асосда тадқиқ этиш кўникмаларини шакллантириш, ҳамда уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари тўғрисида илмий-назарий тушунчаларга эга бўлишларини таъминлаш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

-Ўрганилаётган хорижий тил фонетик структураси, грамматик қурилиши ва луғат таркибининг асосий тушунчалари ва категориялари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

-Тилшунослик назарияси асосларини лингвистик қонунлар, тушунчалар категорияларини, мулоқот жараёнларининг функционал дискурс хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

-талаба лисоний мулоқот жараёнларини таҳлил қилиш усуллари қўллаш, нутқий мулоқот муаммолари бўйича тўғри қарор қабул қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

1-мавзу. Лексикология фанига кириш

Фаннинг мазмуни. Лексикология терминининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Лексикологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Фаннинг предмети ва объекти, фаннинг методи ва ишлатиш йўллари. Лексикология фанининг бўлимлари ва унинг бошқа қисмлари билан боғлиқлиги.

2-мавзу. Семасиология

Сўз тил луғат таркибининг асосий бирлиги сифатида. Сўзнинг морфема, сўз шакли, сўз бирикмасидан фарқли хусусиятлари. Мотивация тушунчаси. Идиоматика ва мотивация турлари: фонетик, морфологик, семантик. Маъно ва сўз маъносининг тузилиши. Ўрганилаётган тил, она тили ва бошқа тиллардаги сўзларнинг семантик тузилиши. Сўз маъносининг тузилишини ўрганишда парадигматика ва синтагматиканинг роли. Контекст ва унинг турлари. Содда, туб, ясама ва қўшма сўзларнинг ўзига хос маънолари. Сўз маъноси ва унинг тузилиши. Фразеологик бирликлар маъноларининг хусусиятлари, маъно турлари таснифи. Сўзнинг лексик- семантик вариантлари. Маъно тузилишига синхрон ва диахроник қараш ва унинг ривожланиш қонуниятлари. Луғат бирлигини семантик гуруҳларга ажратиш. Семантик майдон. Моносемия, полисемия, гиперонимия ва гипонимия муаммолари. Синоним, антоним ва омонимлар муаммолари, ва уларнинг манбалари, таснифи, тилни бойитиши ва ривожланишидаги аҳамияти.

3-мавзу. Сўзнинг морфологик тузилиши

Бир ва кўп морфемали сўзлар. Морфеманинг лексик birlik эканлиги. Морфемалар турлари ва синфлари. Сўз негизи ва унинг турлари. Ҳозирги замон инглиз тилида сўз тузилишининг турлари. Сўз тузилишига диахроник ва синхроник қараш. Морфемалар яшаш. Морфема ва алломорфемалар. Сўз тузилишини морфемик таҳлил қилиш асослари ва уларнинг сўз яшаш таҳлилидан фарқи.

4-мавзу. Сўз яшаш

Сўз яшаш усуллари. Сўзнинг асосий таркибий қисмлари. Сўз негизи. Ўзакнинг тузилиши ва семантикаси. Кенг ва кам тарқалган усуллар билан сўз яшаш. Лексик номлашда сўз яшашнинг роли ва ўрни. Сўз яшаш қаторлари занжири. Олд қўшимчалар ва уларнинг турлари. Ҳар хил мезонларга асосланиб олд қўшимчаларни тасниф этиш. Ўзак олд қўшимчаларнинг семантикаси. Ярим олд қўшимчалар ёрдамида сўз яшаш. Конверсия, унинг келиб чиқиши ва асослари. Сўз яшалиш йўлини аниқлашда конверсиядаги семантик алоқалар асосий мезон эканлиги. Конверсиянинг кенг тарқалганлигини белгиловчи асосий омиллар.

Конверсияни таржима қилиш муаммолари. Қўшма сўзларнинг сўз яшашнинг кенг тарқалган йўллари билан бири эканлиги. Анъанавий ва замонавий тилшуносликда қўшма сўзларни тасниф қилиш асослари. Қўшма сўз яшашнинг ҳар хил турлари, уларнинг кенг тарқалганлиги. Қўшма сўзларни она тилига таржима қилиш йўллари. Қисқартма сўзлар (аббревиация). Қисқартма сўзларнинг турлари. Клиппинглар. Сўз яшашнинг бошқа усуллари: кенгайтиш, товуш ва урғу қўчиши, товушга тақлид қилиш ва редупликация, грамматик шаклларнинг лексикализациялашуви ва сўз яшашда ҳар хил турларнинг бирикуви.

5-мавзу. Фразеология

Фразеологиянинг мақсад ва вазифалари. Турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш муаммоси, уларни фарқловчи белгилар. Лексик бирикиш. Турғун бирикмалар ва уларнинг ҳар хил мезонларга асосан таснифи. Фразеологик бирликларнинг юзага келиш йўллари. Сўз ва сўз бирикмасининг ўхшашлиги ва фарқи. Фразеологик бирликлар ва уларни таржима қилиш муаммолари.

6-мавзу. Этимология

Тил луғат таркибининг этимологик жиҳатдан таснифи. Ўрганилаётган тилда кейин пайдо бўлган ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар. Хорижий тиллардан кириб келган сўзларнинг турлари, ўзлаштирилиши, ассимиляцияси, луғат таркиби ва сўз ясаш тизимига таъсири. Байналминал сўзлар. Этимологик луғатлар.

7-мавзу. Лексикография

Лексикографиянинг фан сифатида ривожланиши. Луғатларнинг асосий турлари: энциклопедик, лингвистик, изоҳли ва таржима луғатлари. Луғат турлари муаммоси ва уларни яратиш услублари. Луғатлар учун сўз танлаш, луғат мақолаларининг тузилиши ва бошқалар. Инглиз, немис, француз ва испан тилларидаги луғатларнинг асосий турлари: изоҳли ва таржима луғатлари, синонимлар луғати, фразеологик бирликлар луғати, этимологик, идеографик, махсус луғатлар, неологизмлар луғатлари ва бошқалар.

Ўқув луғатларининг тузилиши (сўзларнинг бирикиш йўллари луғати, кўп қўлланиладиган сўзлар луғати). Турли луғатларда сўз маъноларини очиб бериш йўллари. Таржима жараёнида луғат билан ишлаш, Сўзнинг изоҳли таҳлилини ўрганиш, бошқа луғатлардаги изоҳлари билан қиёслаш. Тил луғат таркибининг ўзгариши социолингвистик ҳодиса эканлиги. Луғат таркибининг сифат ва сон жиҳатдан ўзгариши. Луғат таркибининг лексик ва стилистик таснифи. Сўзларни ишлатилиши жиҳатидан тасниф этиш. Умумистеъмол сўзлари ва махсус лексика. Архаизмлар, историзмлар, неологизмлар, уларнинг тарихий боғлиқлиги ва ўзаро таъсири. Асосий ва ёрдамчи сўз туркумларининг сон жиҳатидан ўзаро фарқи. Номлашнинг фаоллиги ва луғат таркибининг бойиш йўллари. Сўзнинг маъно таракқиёти ривож, бошқа тиллардан кирган сўзлар қатлами.

НАЗАРИЙ ГРАММАТИКА

1-мавзу. Назарий грамматика фанига кириш

Морфология ва синтаксис. Грамматиканинг таърифи. Грамматик шакл ва грамматик маъно. Тил ва нутқ. Актуализация. Грамматик қурилишнинг бирликлари. Тилни грамматик жиҳатдан тасвирлашнинг турлари. Грамматикадаги метод ва назарий йўналишлар. Грамматикадаги асимметрия ҳодисаси. Функционал ёндашув. Грамматик категориялар. Грамматик категориянинг мазмун плани. Грамматик категориянинг ифода плани.

2-мавзу. Морфология

Ўрганилаётган тилнинг грамматик воситалари: сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар, грамматик қўшимчалар, урғу ва интонация, ўзак таркибидаги товушлар ўзгариши. Морфема, морф, алломорф ва уларнинг структуравий турлари. Морфеманнинг турлари. Аналитик шакл тушунчаси. Тил грамматик тизимининг хусусиятлари. Сўз туркуми. Асосий сўз туркумлари. Мустақил ва ёрдамчи сўзлар. Ўрганилаётган тилда сўз туркумларининг умумий хусусиятлари. Сўз туркумларининг шакл ва маънолари. Транспозиция ҳодисаси.

3-мавзу. От сўз туркуми

Хорижий тилда отнинг дистрибутив белгилари. Уларнинг белгиловчи ва бошқа сўз туркумлари ёрдамида қўшилиши. Отнинг сўз туркуми сифатида морфологик ва семантик характеристикаси. Отларнинг асосий семантик гуруҳлари. Сон категорияси. Инглиз тилидаги отларда кўплик категориясининг ишлатилиши. Детерминативлар. Детерминативларнинг сўз туркуми сифатидаги умумий хоссалари. Детерминативларнинг семантикаси. Келишик категорияси, келишик категорияси ҳақида ҳар хил назариялар. Эгалик келишигининг шакли ва унинг қўлланиш хусусиятлари. Аниклик-ноаниклик категориясини ифодаловчи асосий восита. Артиклниг умумназарий муаммолари, артиклниг функциялари. Род категорияси.

4-мавзу. Сифат ва равиш

Сифат сўз туркуми сифатида. Сифатнинг асосий хусусиятлари. Сифатнинг семантик таснифи. Қиёслаш категориясига оид олмошларнинг семантикаси, синтактик хоссалари, грамматик категориялари ва шакллари. Равишнинг семантик - грамматик гуруҳлари.

5-мавзу. Феъл

Феъл - сўз туркуми сифатида. Унинг лексик, морфологик ва синтактик хусусиятлари, умумий ва фарқ қилувчи томонлари. Феълнинг морфологик вазифасига кўра таснифи: мустақил феъллар, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, маъно жихатидан тугалланган ва тугалланмаган феъллар. Феълнинг грамматик категориялари: аспект (тарз) категорияси, нисбат категорияси. Мажхул нисбатнинг кенг тарқалиш сабаблари. Мажхул конструкцияларнинг қўлланиш хусусиятлари. Феъл майллари. Улар тўғрисидаги замонавий концепциялар. Феълнинг семантик - грамматик гуруҳлари. Феъл тизимидаги грамматик маъноларни ифода қилиш воситалари. Феълнинг шахсиз формалари. Инфинитив, герундий ва сифатдош.

6-мавзу. Сон. Олмош

Сон-сўз туркуми сифатида. Соннинг турлари. Соннинг гапдаги вазифалари. Олмош сўз туркуми сифатида. Олмошнинг келишик категорияси. Олмошнинг семантик ва структуравий турлари.

7-мавзу. Ёрдамчи сўз туркумлари

Артикль, кўмакчи, боғловчи, юклама ва модал сўзлар.

8-мавзу. Синтаксис

Гап тушунчасини аниқлаш ҳақидаги асосий фикрлар. Гапни аниқлашда классик ёндашув. Гап таснифи. Гапнинг мақсадга кўра турлари: бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гаплар. Гапда эллипсис тушунчаси. Бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гапларнинг фарқи. Гап – коммуникация бирлиги сифатида, гапнинг вазифаси, тузилиши. Асосий ва иккинчи даражали бўлақлар. Эга. Эганинг ифода воситалари. Кесим - гапнинг асосий белгиси сифатида. Модаллик тушунчаси. Кесимнинг асосий хусусияти. Модаллик категориясининг ифода усуллари. Сўз бирикмаси. Бирикма ҳосил бўлиш омиллари. Сўз бирикмасининг структуравий - функционал типологияси. Сўз бирикмасининг компонентлари ўртасидаги семантик муносабатлар. Гап бўлақларининг структуравий типлари. Гап бўлақлари ва сўз туркумлари ўртасидаги муносабат. Предикативлик муносабатларнинг ўзига хос шаклларига эга бўлган гаплар. Қисқартирилган синтактик

структурага эга бўлган гаплар. Тўликсиз гаплар. Атов гаплар. Полипредикативлик ва мураккаблашган гаплар. Қўшма гаплар. Боғланган қўшма гаплар. Эргашган қўшма гаплар.

9-мавзу. Тил грамматик структурасини таҳлил қилишнинг замонавий методлари

Ўрганилаётган тил грамматик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари. Грамматик маънони ифода этувчи воситалар. Грамматик категориялар. Грамматик шакл ва грамматик маъно тушунчалари. Грамматик маънонинг синтетик ва аналитик шакллар орқали ясалиши. Сўз туркумлари ва гап бўлаклари орасидаги муносабат. Сўзнинг морфологик структураси. Морфема ва унинг турлари. Морфология ва Синтаксис. Синтактик структуралар. Синтаксисда моделлаш тушунчаси. Гапни таҳлил қилиш методлари. Грамматиканинг турлари: анъанавий грамматика, мантиқий грамматика, структуравий грамматика, бевосита ташкил этувчиларга ажратиш грамматикаси, трансформацион грамматика, генератив грамматика, келишик грамматикаси, когнитив грамматика. Ўрганилаётган тилда тил бирликлари орасида кузатиладиган синтактик алоқалар турлари; Координация, Субординация, Предикация, Бирламчи ва иккиламчи предикация тушунчалари. Мураккаб таркибли структуралар. Полипредикатив қурилмаларнинг структуравий-функционал таҳлили.

НАЗАРИЙ ФОНЕТИКА

1-мавзу. Ўрганилаётган тилда сегмент фонемалар

Сегмент фонемаларнинг артикуляцион томони: товушлар ҳосил бўлишининг тўрт механизми (куч, тебраниш, резонаторлик ва тўсиқни енгиш), уларга алоқадор бўлган нутқ органлари. Нутқ органларининг тузилиши, фаолияти ва вазифалари. Унли товушларни тасниф қилишда ўзбек, рус, Европа ва Америка олимларининг фикрлари. Унлиларнинг талаффуз турғунлигига кўра (монофтонг, дифтонг, дифтонгоид), тилнинг горизонтал ва вертикал ҳаракатига кўра, лабларнинг ҳолатига кўра, тарихий чўзиқлигига кўра, нутқ органларининг таранглашувига кўра таснифи. Ўрганилаётган тил унлиларини рус ва ўзбек тили унлилари билан қиёслаш. Ундош товушларни тасниф қилишда рус, ўзбек, Европа ва Америка олимларининг фикрлари. Ундош товушларни товуш пайчаларининг иштирокига кўра ва талаффуз кучига кўра; фаол ва пассив нутқ органларига кўра; товуш ҳосил бўлишида тўсиқнинг турига кўра ва шовқиннинг характерига кўра; кичик тилнинг фаолиятига кўра таснифи. Ўрганилаётган тилда аффрикат товушларининг сони ҳақида фикрлар. Ундошларни рус ва ўзбек тили ундошлари билан қиёслаш. Унли ва ундош товушларнинг ҳосил бўлишида асосий фарқлар. Турли тилларда мавжуд бир хил товушларнинг сифат жиҳатидан фарқланиши. Артикуляцион база тушунчаси. Сегмент фонемалар ҳосил бўлишининг акустик томони: нутқ товушларининг, физик хусусиятлари (товуш тебраниши, чўзиқлиги, овоз тони), уларнинг артикуляцион шакли. Сегмент фонемаларнинг фонологик томони: фонемага таъриф бериш муаммоси.

2-мавзу. Фонема назарияси

Фонеманинг уч хусусияти яхлитлигидан иборатлиги: унинг материал (талаффуз) томони, абстрактлиги, умумийлиги, функционал, яъни маъно фарқлай олиш хусусияти. Фонема ва унинг вариантлари (аллофонлари). Сегмент фонемаларнинг конститутив ва дистинктив вазифалари. Урғусиз унлилар ва уларнинг таснифи. Транскрипция ва унинг турлари. Нутқ товушларининг ўзгариши ва уларнинг турлари. Бу ҳақда Москва ва Санкт

Петербургу олимларининг қарашлари. Ассимиляция, аккомодация ва элизия каби товуш ўзгариши хусусиятлари.

3-мавзу. Тилларда бўғин қурилиши

Бўғин фонетиканинг талаффуз бирлиги сифатида. Бўғиннинг нутқдаги вазифалари. Бўғин ҳосил қилувчи товушлар. Бўғиннинг таркибий қисмлари ва турлари. Бўғин бошида ва охирида унли ва ундошларнинг бирика олиши. Ўрганилаётган хорижий тилда бўғин ажратиш қоидалари. Бўғин ҳақида мавжуд назариялар. Бўғиннинг вазифалари.

4-мавзу. Сўз урғуси

Сўз урғуси тушунчаси, уларнинг турлари (динамик, мусиқий, сифат ва микдор урғулари). Сўз урғусининг хусусиятлари. Урғунинг ўрни ва даражаси. Урғу ўрнини белгиловчи омиллар (рецессив, ритмик, грамматик ва семантик), уларнинг ўзаро муносабати. Сўз урғусининг вазифалари.

5-мавзу. Интонация

Интонация таърифи. Тор ва кенг таъриф. Интонациянинг ташкилий қисмлари ва уларнинг вазифалари. Интонация ва просодия. Интонациянинг мелодик компоненти, унинг таърифи ва вазифалари. Текст ҳосил қилишда мелодик компонентнинг роли. Мелодик компонентнинг турлари. Интонациянинг гап урғуси компоненти, унинг таърифи ва вазифалари. Гап урғусининг турлари. Гап урғуси ва сўз урғуси муносабати. Гап урғусининг матн тузишда ритмик ва интонацион гуруҳлар ҳосил қилишдаги роли. Гап урғусининг мелодик компонент билан ўзаро муносабати ва гапнинг коммуникатив марказини ҳосил қилиш қобилияти. Гап урғусининг вазифалари. Интонацияни ёзма ифодалаш турлари (Л. Армстронг ва И.Уорд системаси ва Р.Кингдон методи). Интонациянинг рақамли ва поғонали ифодаланиши. Интонацияда нутқ тезлиги (темп), овоз бўёғи (тембр), пауза (тўхтама) ва ритм (урғули ва урғусиз бўғинлар кетма-кетлиги) каби бирликларнинг вазифалари. Интонациянинг фонологик вазифаси. Интонация тушунчаси. Интонациянинг матн ҳосил қилиш вазифаси.

6-мавзу. Нутқнинг фоностилистик хусусиятлари

Фоностилистиканинг асосий ўрганиш объектлари. Талаффуз нормаси ва унинг стилистик фарқланиши масаласи. Фонетик услубларни ифодалашда экстралингвистик ва паралингвистик воситалар. Товуш ва интонация стилистикаси. Интонацион услуб турлари. Фонетик синонимия масаласи. Товушлар символизми тушунчаси.

СТИЛИСТИКА

1-мавзу. “Стилистика” фаннинг мазмуни, предмети ва методи

Стилистика курсининг долзарблиги ва вазифалари. Стилистика замонавий тилшунослик йўналишлари нигоҳида. Стилистиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги: стилистика ва коммуникатив лингвистика, стилистика ва прагмалингвистика, стилистика ва лингвокультурология. Стилистика турлари: қиёсий стилистика, амалий стилистика, функционал стилистика, индивидуал услуб стилистикаси. Стилистик таҳлил методлари.

2-мавзу. Услубий лексика таркиби

Услубий лексика таркиби: Адабий сўзлар, нейтрал сўзлар, ва оғзаки сўзлар. адабий сўзларнинг стилистик жиҳатлари ва турлари: атама, архаизм, неологизм, поэтик сўзлар

тушунчалари ва уларнинг матндаги стилистик вазифалари. Оғзаки сўзларнинг стилистик хусусиятлари ва турлари: сленг, вульгаризм, эвфемизм, шева ва жаргон тушунчалари ва уларнинг матндаги стилистик вазифалари. Тилда меъёр тушунчаси. Шахсий ёндашув ва меъёр. Умумий, адабий, оғзаки ва адабий услублар хусусиятлари. Регистр тушунчаси.

3-мавзу. Функционал услуб тушунчаси

Функционал услуб ва унинг турлари. Бадиий услуб хусусиятлари: шеърий, драма ва наср услубларининг асосий тил хусусиятлари. Илмий услуб хусусиятлари ва вазифалари. Публицистик услуб хусусиятлари ва вазифалари. Ахборот воситалари услуб хусусиятлари ва вазифалари. Ахборот воситалари матнида жанр турлари ва хусусиятлари. Расмий услуб вазифалари, турлари ва уларнинг лисоний хусусиятлари.

4-мавзу. Лексик стилистик воситалар

Ифода ва стилистик восита тушунчаси. Стилистик вазифа тушунчаси ва турлари. Лексик маъно турлари. Стилистик воситаларнинг сатҳлараро турланиши: метафора, метонимия, ирония, эпитет, муболаға, оксиморон, антономасия, зевгма, сўз ўйини тушунчаси, лисоний аҳамияти ва вазифалари.

5-мавзу. Лексик-синтактик стилистик воситалар

Ўхшатиш, перефраз, литота, градация, антитеза, аллюзия, ўзлаштирама гап тушунчаси, лисоний аҳамияти ва вазифалари.

6-мавзу. Синтактик стилистик воситалар

Синтактик стилистик воситаларнинг лисоний аҳамияти ва вазифалари. Гап қурилишидаги ўзгаришларга асосланган стилистик воситалар: бир бош бўлакли гап, инверсия, параллел конструкция, хиазм, такрор, санаш, полисиндетон, асиндетон ва риторик сўроқ гап. Оғзаки нутқдаги гап таркиби ўзгаришларга асосланган стилистик воситалар: эллипсис, тугалланмаган гап, ажратилган конструкция.

7-мавзу. Фонетик стилистик воситалар

Юфония, аллитерация, ономотопия тушунчаси, лисоний аҳамияти ва вазифалари.

8-мавзу. Матн таҳлилининг вазифаси

Адабий матн тушунчаси. Матн мазмуни, образ структураси: муаллиф образи, табиат образи, асар қаҳрамони образи, бадиий детал тушунчаси ва унинг турлари. Матн бадиий композицияси. Бадиий детал турлари ва вазифалари. Матн лингвистикаси асосий тушунчалари, Матн категорияси турлари: информативлик категорияси, модаллик категорияси, матн боғлиқлиги ва яхлитлиги категорияси, матн сегментацияси, ўрин пайт категорияси, интертекстуаллик категорияси. Бадиий асар номлари, турлари ва унинг информативлиги. Бадиий асар номининг концептуал ахборотни очиб беришдаги ўрни. Матн таҳлили методлари. Матннинг концептуал аҳамияти. Матннинг миллий – маданий хусусиятлари. Матнни стилистик, прагматик, лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил этиш.

ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ ТАРИХИ

1-мавзу. Роман-герман тиллари ҳақида умумий маълумот

Роман ва герман тилларининг ҳинд-европа тиллар оиласида тутган ўрни. Ҳозирги замон роман ва герман тиллари, уларнинг тарқалиши ва таснифи. Роман ва Герман қабилалари ҳақидаги маълумотлар: (Питеас, Юлий Цезар, Тацит) роман ва герман қабилаларининг таснифи ва “халқларнинг буюк кўчиши” даврида уларнинг жойлашиши. Роман ва герман ва роман тилларининг ўзига хос хусусиятлари: ундошларнинг биринчи кўчиши, Гримм қонуни, Вернер қонуни, унлиларнинг ўзгариши, отларнинг турланиш тизими, феълларнинг миқдор ўзгариши ва суффиксли феълларга ажралиш тизими, қадимги алифбо, роман ва герман тилларининг энг муҳим ёзма ёдгорликлари ва уларнинг таснифи.

2-мавзу. Тиллар тарихини даврлаштириш муаммоси

Европа қитъасида Кельт қабилалари. Рим кўшинларининг Британия ороллари босиб олиши, Римликлар қурган тарихий обидалар. Минтақада ғарбий герман қабилалари ва уларнинг Рим билан алоқаси. Англо-саксон, фриз ва ют қабилаларининг Британия ороллари истило қилиши ва англо – саксон давлатларининг юзага келиши. Герман тиллари товуш тизимининг тарихий қонуниятлари; палаталлашув. Сонор ундош бирикмалари олдида унлиларнинг чўзилиши, кейинги ундошнинг тушиб қолиши натижасида унлиларнинг чўзилиши. Ундошларнинг биринчи ва иккинчи кўчиши.

3-мавзу. Морфология

Герман тиллари морфологияси. Отнинг грамматик категориялари: род, сон, келишик. Негиз асосида отларнинг қадимги таснифи. Отларда кўплик шакллари хосил бўлиши ва уларнинг турлари. Сўзнинг морфологик структураси. Ички флексия ёрдамида ўзакдаги унлининг ўзгариши. Ташқи флексия. Флексиясиз товуш алмашиниши.

4-мавзу. Қадимги герман тилларида сифат, олмош ва сон

Сифатнинг икки хил турланиши: кучли ва кучсиз турланиш, уларнинг пайдо бўлиши. Кишилик олмошлари, олмошларда грамматик категориялар : шахс , сон (иккилик сонининг мавжудлиги), Кўрсатиш олмошларнинг пайдо бўлиши. Санок сонлар. Тартиб сонлар.

5-мавзу. Қадимги инглиз тили даврида феъл

Кучли ва кучсиз феъллар. Претерит – презент феъллар ва уларнинг морфологик хусусиятлари. Супплетив феъллар. Феълларнинг асосий грамматик категориялари: шахс, сон, замон, майл. Феълнинг аналитик шакли масаласи: Нисбат категорияси.

6-мавзу. Қадимги инглиз тилида синтаксис

Синтаксис. Гап турлари. Сўроқ гапларда сўз тартиби. Гапда бош бўлақларнинг ифода этилиши. Содда гапда синтактик алоқаларнинг ифодаланиши. Келишикларнинг вазибалари.

7-мавзу. Қадимги инглиз тили луғат бойлиги

Инглиз тили луғат таркиби ва унинг тараққиёти. Луғат таркибининг хусусиятлари. умум ҳинд – европа ва умум роман ва герман сўзлари, луғат таркибининг бойиб бориши ва унинг турли ривожланиш йўллари: Аффикслар ёрдамида сўзлар яшаш. Махсулдор ва кам махсул аффикслар.; Қўшма сўзлар. қўшма сўзларни хосил қилиш йўллари. Товуш

алмашиши (умлаут) ; Эски сўзларнинг янги маънога эга бўлиши. Ўзлаштирма сўзларнинг ишлатилиши.

8-мавзу. Ўрганилаётган тил тарихининг ўрта даври

Ўрта даврнинг асосий тарихий воқеалари. Унлилар тизимининг ўзгариши. Урғусиз унлиларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг кейинчалик тушиб қолиши. Ўрта даврда унлиларнинг чўзилиши ва қисқариши. Дифтонгларнинг чўзилиши ва қисқариши. Дифтонгларининг ўрта даврда чўзилиши ва қисқариши. Дифтонгларининг ўрта даврда монофтонглашуви. Янги дифтонгларнинг ҳосил бўлиши. Ундошлар тизимининг ўзгариши. Ўрта даврда графикасидаги ўзгаришлар. Морфология. 12-15 асрларда морфологияда содир бўлган ўзгаришлар. Отларнинг турланишида турланишида келишикларнинг соддалашиб бориши ва уларнинг предлоги бирикмалар билан алмаштирилиши. Сифат даражалари. Қиёсий даражаларда аналитик шаклнинг юзага келиши. Олмошларнинг турланишида икки келишикнинг тизимга ўтиши. Кўрсатиш олмошларида икки турнинг ҳосил бўлиши: янги олмошларнинг пайдо бўлиши. Аниқ ва ноаниқ артикларнинг пайдо бўлиши. Кучли феъллар тизимидаги ўзгаришлар. Феъл бўйича ҳозирги замон сифатдош шаклларнинг ўзига хос хусусияти. Феълнинг аниқ, мажхул ва ўтган замон шаклларининг юзага келиши. Равишдош ва инфинитивнинг пайдо бўлиши. Равишларнинг суффикслар ёрдамида ясалиши. Суффиксларнинг соддалашуви.

9-мавзу. Роман -герман тилларида синтаксис

Гапнинг бош бўлақларидаги қатъий тартибнинг аста – секин қарор топиши. Қўшимча гапларнинг ривожланиши. Ўрта давр луғат таркибининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий тузимнинг ўзгариши, ҳунарманчилик, савдо-сотик ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти муносабати билан луғат таркибининг бойиб бориш йўллари. Эски сўзларнинг янги маънода ишлатилиши, аффикслар ёрдамида янги сўзларнинг ишлатилиши. Икки тил: яъни скандинав ва француз тиллари ҳисобига инглиз ва немис тили луғати таркибининг бойиб бориши.

10-мавзу. Инглиз тили тараққиётининг янги даври

Герман тиллари тараққиёти тарихининг янги давридаги асосий тарихий воқеалар. Миллий тилнинг вужудга келишида пойтахт шевасининг аҳамияти. Махаллий шеваларнинг сақланиб қолиши ва уларнинг ижтимоий кўринишлари. Касб – ҳунар жаргонларининг пайдо бўлиши. Китоб нашр қилиниши муносабати билан миллий тил ёзма шаклининг кенг тарқалиб бориши. Янги даврда содир бўлган асосий фонетик ўзгаришлар. “Унлиларнинг буюк кўчиши”. Урғусиз бўғиндаги унлиларнинг тушиб қолиши. Янги унли товушларнинг пайдо бўлиши. Унлилар ва ундошлар тизимида содир бўлган бошқа ўзгаришлар. Тиллар грамматик тизимида содир бўлган ўзгаришлар. Феълларнинг нотўғри тусланиши тизимидан тўғри феъллар гуруҳига ўтиши. Мажхул нисбатнинг ривожланиши, иш – ҳаракат ва ҳолат пассиви маъноларнинг фарқланиши.

IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулоти учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Лексикологиянинг мақсади ва вазифалари.
2. Семасиология: Сўзларнинг фонетик ва семантик аспекти. Контекст турлари, маънонинг турлари ва сўзнинг лексик-семантик вариантлари, семантик майдон.

Моносемия, полисемия, гипер-гипонимия муаммолари. Синоним, антоним ва омонимлар ва уларнинг таснифи.

3. Сўзнинг морфологик қурилиши: морфемалар типлари ва синфлари. Сўз тузилишидаги диахроник ва синхроник қараш. Морфема ва алломорфемалар.

4. Сўз яшаш: лексик ном беришда сўз яшашнинг роли ва ўрни. Конверсия, унинг келиб чиқиши ва асослари. Қўшма сўзларни она тилига таржима қилишнинг йўллари. Қисқартма сўзлар.

5. Фразеология: турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш муаммоси. Уларни фарқловчи белгилар. Фразеологик бирликлар ва уларни таржима қилиш муаммолари.

6. Этимология: Ўрганилаётган тилда пайдо бўлган сўзлар ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ва уларнинг турлари, ўзлаштирилиши, ассимиляция, интернационал сўзлар ва этимологик дублетлар.

7. Лексикография: ўрганилаётган тил луғат таркибининг умумий таснифи.

8. Назарий грамматика фанининг мақсади ва предмети.

9. Тил ва нутқ. Грамматикада метод ва назарий йўналишлар. Грамматик таҳлил усуллари.

10. Сўзнинг морфологик қурилиши: морфемалар типлари ва синфлари. Сўз тузилишидаги диахроник ва синхроник қараш. Морфема ва алломорфемалар.

11. Морфология. Грамматик шакл ва грамматик маъно. Грамматик маънони ифодалаш усуллари.

12. Ўрганилаётган тилдаги сўзларни туркумларга ажратишнинг асосий тамойиллари.

13. Ўрганилаётган тил морфологияси. Ўрганилаётган тилда от сўз туркуми ва унинг грамматик категориялари.

14. Ўрганилаётган тилда феъл сўз туркуми. Феълнинг структураси ва грамматик категориялари.

15. Ўрганилаётган тилда феълнинг семантик хусусиятлари

16. Ўрганилаётган тилда Синтаксис. Сўз бирикмаси ва содда гап.

17. Синтаксис. Синтактик бирликлар. Синтактик алоқалар турлари. Сўз бирикмаларининг асосий белги ва хоссалари.

18. Гап назарияси. Гапнинг таърифи ва классификацияси. Микро ва макросинтаксис. Гапни таҳлил қилиш методлари.

19. Ўрганилаётган тилда гапнинг тузилиш жиҳатдан турлари.

20. Ўрганилаётган тилда қўшма гап турлари.

21. Назарий фонетиканинг мақсад ва вазифалари.

22. Фонологик назариялар.

23. Ўрганилаётган тилда талаффузнинг асосий турлари.

24. Ўрганилаётган тилда унли товушлар тизими.

25. Ўрганилаётган тилда ундош товушлар тизими.

26. Фонемаларнинг нутқдаги ўзгариши.

27. Ўрганилаётган тилда бўғин тузилиши.

28. Ўрганилаётган тилда сўз урғуси.

29. Ўрганилаётган тилда оҳанг тузилиши.

30. Фоностилистика ва унинг асосий хусусиятлари.

31. Услубиёт предмети, унинг асосий йўналишлари ва бошқа назарий фанлар билан алоқаси.

32. Функционал услуб турлари, уларнинг вазифалари ва лингвистик хусусиятлари. (бадий, илмий, ва газета ва публицистик, расмий ҳужжатлар).

33. Ўрганилаётган тил лексикасининг услубий таркиби;
34. Лексик стилистик воситалар (метафора, метонимия, ирония, эпитет, оксюморон, гиперболо, антономасия, зевгма ва сўз ўйини кабилар)нинг лисоний аҳамияти ва вазифалари.
35. Лексик-синтактик стилистик воситалар (ўхшатиш, перефраз, литота, антитеза, градация)нинг лисоний аҳамияти ва вазифалари.
36. Синтактик стилистик воситалар (инверсия, такрорлаш, риторик савол ва бошқалар)нинг лисоний аҳамияти ва вазифалари.
37. Фонетик стилистик воситалар (юфония, аллитерация, ономотапия)нинг лисоний аҳамияти ва вазифалари.
38. Матн таҳлили вазифаси. Бадиий асар матн таҳлилининг объекти сифатида бадиий матннинг ўзига хосликларини кўрсатиш, бадиий детал, матн композицияси. Матн категориялари. Информативлик категориялари. Матнни идрок этиш ва унинг таҳлили.
39. Роман ва Герман тиллари ҳақида умумий маълумот
Роман-герман тилларининг фонетик хусусиятлари, Тиллар тарихини даврлаштириш муаммоси, Қадимги инглиз тилида сўз туркумлари масаласи, Қадимги роман-герман даврида Феъл, Қадимги инглиз тилида Синтаксис, Қадимги инглиз тили луғат бойлиги, Ўрганилаётган тил тарихининг ўрта даври, Ўрганилаётган тил тарихининг ўрта даври луғат бойлиги, Ўрганилаётган тил тарихининг ўрта даврида Синтаксис.
40. Тиллар тараққиётининг янги даври. Инглиз тили тараққиёти тарихининг янги давридаги асосий тарихий воқеалари.
41. Миллий тилнинг вужудга келишида пойтахт шевасининг аҳамияти. Махаллий шеваларнинг сақланиб қолиши ва уларнинг ижтимоий кўринишлари.
42. Касб – ҳунар жаргонларининг пайдо бўлиши. Китоб нашр қилиниши муносабати билан миллий тил ёзма шаклининг кенг тарқалиб бориши.
43. Янги даврда содир бўлган асосий фонетик ўзгаришлар. Тиллар грамматик тизимида содир бўлган ўзгаришлар.
44. Феълларнинг нотўғри тусланиши тизимдан тўғри феъллар гуруҳига ўтиши.
45. Мажхул нисбатнинг ривожланиши, иш – ҳаракат ва ҳолат пассиви маъноларнинг фарқланиши.
- Семинар машғулоти мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Фан бўйича курс иши

Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши учун тахминий мавзулар:

1. Семасиология: Сўзларнинг фонетик ва семантик аспекти
2. Контекст турлари, маънонинг турлари ва сўзнинг лексик-семантик вариантлари, семантик майдон. Моносемия, полисемия, гиперонимия -гипонимия муаммолари.
3. Синонимлар ва уларнинг таснифи
4. Антонимлар ва уларнинг таснифи
5. Омонимлар ва уларнинг таснифи.

6. Сўзнинг морфологик қурилиши: морфемалар типлари ва синфлари. Сўз тузилиши, диахроник ва синхроник қарашлар.
7. Морфема ва алломорфемалар.
8. Сўз яшаш: лексик ном беришда сўз яшашнинг роли ва ўрни.
9. Конверсия, унинг келиб чиқиши ва асослари.
10. Қўшма сўзларни она тилига таржима қилишнинг йўллари.
11. Қисқартма сўзлар.
12. Фразеология: турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш муаммоси. Уларни фарқловчи белгилар. Фразеологик бирликлар ва уларнинг шаклланиш этимологияси
13. Этимология: Ўрганилаётган тилда пайдо бўлган сўзлар ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ва уларнинг турлари, ўзлаштирилиши, ассимиляция.
14. Интернационал сўзлар ва этимологик дублетлар.
15. Лексикография: ўрганилаётган тил луғат таркибининг умумий таснифи.
16. Сўзларнинг фонетик ва фонологик аспектлари.
17. Ўрганилаётган тилда талаффузнинг стилистик хусусиятлари.
18. Мулоқот жараёнида талаффузнинг коммуникатив хусусиятлари.
19. Ўрганилаётган тилда товушни ўрганишда асосий йўналишлар.
20. Ўрганилаётган тилда вариантларида ўзига хос фонетик хусусиятлар.
21. Ўрганилаётган тилда унли товушлар.
22. Ўрганилаётган тилда ундош товушлар.
23. Ўрганилаётган тилда оҳанг турлари.
24. Ўрганилаётган тилда урғунинг турлари.
25. Сўзнинг морфологик қурилиши: морфемалар типлари ва синфлари.
26. Сўз тузилишидаги диахроник ва синхроник қараш. Морфема ва алломорфемалар.
27. Грамматик категориялар, грамматик шакл ва грамматик маъно.
28. Ўрганилаётган тилда сўзларнинг туркумларга ажратишнинг асосий тамойиллари.
29. Ўрганилаётган тилда морфологияси. От сўз туркуми ва унинг грамматик категориялари.
30. Ўрганилаётган тилда феъл сўз туркуми. Феълнинг структураси ва грамматик категориялари.
31. Ўрганилаётган тилда феълнинг семантик хусусиятлари
32. Ўрганилаётган тилда Синтаксис. Сўз бирикмаси ва содда гап.
33. Синтаксис. Синтактик бирликлар. Синтактик алоқалар турлари. Сўз
34. бирикмаларининг асосий белги ва хоссалари.
35. Гап назарияси. Гапнинг таърифи ва классификацияси. Микро ва макросинтаксис. Гапни таҳлил қилиш методлари.
36. Ўрганилаётган тилда гапнинг тузилиш жиҳатдан турлари
37. Стилистика фанидаги янги йўналишлар (коммуникатив, когнитив, этностилистика)
38. Проза жанрининг ўзига хос хусусиятлари
39. Поезиянинг ўзига хос хусусиятлари
40. Драманинг ўзига хос хусусиятлари
41. Нотиклик услубининг ўзига хос хусусиятлари
42. Илмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари
43. Расмий услуб ва унинг тил хусусиятлари
44. Эмоционаллик стилистик категория сифатида
45. Поэтик сўзларнинг роли
46. Чет тилидан ўзлаштирилган сўзлар

47. Слэнглар ва уларнинг тил хусусиятлари
48. Ёзма нутқнинг ўзига хос хусусиятлари
49. Стилистик маъно ва вазифа
50. The nature of stylistic meaning.
51. Метафора ва метонимияни когнитив тадқиқ қилиш
52. Матннинг бадиий хусусиятлари.
53. Бадиий матнда рамзлар.
54. Бадиий матнда поэтик деталлар.
55. Матнда информативлик категорияси.
56. Матнда модаллик категорияси.
57. Бадиий матннинг қисмларга бўлиниши.
58. Бадиий матн қисмларининг бир бирига мантикий боғланиши.
59. Бадиий матнда фразеологик бирликларнинг стилистик функциялари.
60. Бадиий матнда сарлавҳанинг мазмунни очиб бериш вазифаси

VI. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Лексикология ва тил.
2. Сўзларнинг фонетик ва аналитик аспекти.
3. Сўз маъносининг тузилишини ўрганишда парадигматика ва синтагматиканинг роли.
4. Маънонинг турлари ва сўзнинг лексик - семантик маънолари.
5. Синоним, антоним ва омонимлар.
6. Сўзнинг морфологик қурилиши.
7. Турғун ва эркин бирикмалар.
8. Сўз бирикмасининг ўхшашлиги ва фарқи.
9. Луғат таркибининг сифат ва сон жиҳатлари.
10. Архаизмлар ва неологизмлар.
11. Лексик номланишнинг фаоллиги ва луғат таркибининг бойиш йўллари.
12. Тил луғат таркибининг этимологик жиҳатдан таснифи.
13. Сўзларнинг этимологияси.
14. Лексикографиянинг долзарб масалалари.
15. Гапда сўзларнинг маъноли бирикиш усуллари.
16. От сўз туркуми ва унинг грамматик категориялари.
17. Феъл сўз туркуми ва унинг грамматик категориялари.
18. Сифат сўз туркуми ва унинг турлари.
19. Сон категорияси.
20. Гапнинг тузилишига кўра турлари.
21. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари.
22. Ўрганилаётган тилдада кўшма гаплар. (Боғланган кўшма гап ва эргашган гапли кўшма гап)
23. Гапда синтактик алоқалар турлари.
24. Бирламчи ва иккиламчи предикация тушунчалари.
25. Тилда фонологик назариялар.
26. Ўрганилаётган тилда талаффуз турлари.
27. Ўрганилаётган тилда товушлар қисқариши (редукция турлари).
28. Ўрганилаётган тилда унли товушлар.

29. Ўрганилаётган тилда ундош товушлар.
30. Ўрганилаётган тилда монофтонг, дифтонг ва трифтонлар.
31. Ўрганилаётган тилда оҳанг ва унинг турлари.
32. Ўрганилаётган тилда сўз урғуси ва маъно урғуси.
33. Синтагма ва унинг қўлланилиши.
34. Фоностилистика ва унинг асосий хусусиятлари.
35. Адабий – китобий тилда сўзларнинг хусусиятлари ва вазифалари
36. Оғзаки услубга хос сўзларнинг тил хусусиятлари ва вазифалари
37. Метафора ва метонимия
38. Эпитет, оксюморон, гипербола
39. Антономазия, ўхшатиш ва унинг ўрганилаётган тилдаги турлари
40. Литота ва перифразанинг лингво-культурологик хусусиятлари
41. Ўрганилаётган тилда такрор ва уни қиёсий ўрганиш
42. Риторик сўроқ
43. Фонетик стилистик услублар
44. Стилистик синонимлар ва уларнинг бадиий нутқда қўлланилиши
45. Идиомаларнинг стилистик хусусиятлари
46. Мақол ва маталларнинг стилистик вазифалари
47. Чет тилидан ўзлаштирилган сўзлар ва уларнинг стилистик аҳамияти
48. Стилистик услубларнинг бадиий матнда ишлатилиши
49. Шеъринг услубнинг ўзига хос стилистик жиҳатлари
50. Бадиий матнда поэтик деталлар.
51. Текст категориялари
52. Ўрганилаётган тил тарихини даврларга бўлиб ўрганиш
53. Ўрганилаётган тил қадимги даврининг фонетик хусусиятлари
54. Ўрта давр фонетик структураси.
55. Ўрганилаётган тил қадимги давридаги ёзма ёдгорликлар
56. Ўрганилаётган тил тарихий даври луғат бойлиги
57. Ўрганилаётган тил ўрта даври луғат бойлиги
58. Ўрганилаётган тил ўрта даври ва хусусиятлари.
59. Ўрганилаётган тил янги давр грамматикасининг ўзига хос тил хусусиятлари
60. Ўрганилаётган тил янги давр шеваларининг ўзига хос тил хусусиятлари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари¹

Асосий адабиётлар

1. Abduazizov A.A. English Phonetics. Tashkent, 2007.
2. Антрушина Г.Б. Лексикология английского языка. Москва.: “ Дрофа”, 2006
3. Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Stylistics of Literary text. Tashkent.:”Turon-Iqbol”, 2016
4. Blokh M.Y. Theoretical Grammar of the English Language. М , 2004
5. Eastwood J. Oxford guide to English grammar. Oxford, OUP, 2002.
6. Galperin I.R. Stylistics. M.: Higher School, 2000.
7. Hogg R. Cambridge History of the English language, Volume I, 2005.
8. Iriskulov M., Kuldashev A. Theoretical Grammar of the English Language. Т, 2008
9. Muminov O.M. Lexicology of the English language. Т, 2006.
10. Nino Kirkavialidze. Theoretical Course of English Grammar. Tbilisi, 2013
11. Peter Roach “English phonetics and phonology” Cambridge University press, 2000, 2nd edition
12. Rastorguyeva T. A. “A history of the English language”. М.: Vlado, 2003.
13. Sachkova E.V. “Lectures on English Stylistics”. Москва-2012.
14. Sokolova M.A. Theoretical Phonetics of English. Москва.: Феникс, 2010.
15. Қўлдошев А. “Инглиз тили тарихи”. Т. 2011 (инглиз тилида)

Қўшимча адабиётлар

16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
17. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
18. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
20. Arnold I.V. The English Word. Москва, 1986
21. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. М.: Высшая школа, 2004.
22. Арсеньева А.А и др. Введение в германскую филологию. Москва. 1983
23. Бобоханова Т.А. Инглиз тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1995
24. Давлетбаева Д.Н. Lectures on English lexicology Казань-2010
25. Downing A., Locke F. English Grammar. A University Course. Routledge, 2006, 640 p
26. Гинзбург. Р.З., Хидекел С.С., Князева Г.Ю., Санкин А.А. A course in Modern English Lexicology. Москва, 1979
27. Hogg R. An Introduction to Old English. Edinborough University Press, 2002, 174p

¹ Адабиётлар рўйхатида ҳар бир курс хусусияти ва ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда ўз аксини топади.

28. Ильиш.Б.А. “История английского языка”.-М., 1983 (инглиз тилида).
29. Ильиш Б.А. Structure of Modern English.-М., 1975
30. Kunin G. Historical changes and English word-formation: New vocabulary items.- N.Y., 1986
31. Кухаренко В.А. Seminars in style.- М.: Высшая школа, 1971.
32. Кухаренко В.А. Практикум по стилистике английского языка. М.: Высшая школа, 1986.
33. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. М.: 1988
34. Кобрин В.А. Теоретическая грамматика английского языка. - М.,2010
35. Мусаев К. English stylistics. Т.: Адолат, 2003
36. Худяков А.А. Теоретическая грамматика английского языка.- М.,2007
37. Vrabel. Т.Т Theoretical phonetics of English.- Ukraina., 2012
38. Қўлдашев А. “A history of the English language” Тошкент- 2011
39. Қўлдашев А . “An introduction to Germanic Philology” Тошкент 2010

Интернет сайтлари

40. <http://www.britishcouncil.org>
41. <http://www.bbc>
42. <http://encyclopedia.farlex.com>
43. <http://tpot.ru/index.html>.<http://www.oup.co.uk>
44. www.onestopenenglish.com.<http://youreng.narod.ru/teoper.html>
45. Website dedicated to linguistics: **www.linguist.org**
46. Русский филологический портал: **www.philology.ru**
47. www.natlib.uz
48. www.dissercat.ru
49. www.nauka.ru
50. www.dissorg.com
51. www.uzscience.uz
52. www.linguist.org

